

**33- СОНЛИ НОТУРАР ЖОЙ
ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ**

Қарши шахри

2022 йил «01» Январ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят ташкилоти (кейинги ўринларда – «Ижарага берувчи») номидан партия Низоми асосида иш юрутувчи Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши раиси О. П. Равшанов бир томондан, ва «Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖ (кейинги ўринларда – «Ижарага олувчи») номидан Устав (Низом)асосида иш юрутувчи _____ бошқа томондан, биргаликда (томонлар деб аталувчи) ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ижарага берувчи Дехқонобод т-и Қорашина шаҳарчаси Улуғбек кўча 1-уйда манзилида жойлашган, кейинги ўринларда «ижара майдони» деб юритиладиган нотура жойни идора, хизмат хоналари мақсадларида фойдаланиш учун ижарага олувчига ижарага беради.

Ижарага берилаётган жой 1 (кадастр хужжати бўйича №17-хона) та хонадан иборат бўлиб, фойдали майдони 14,70 кв.м.ни ташкил этади. Ижарага олинган 1 (бир) кв.м учун бир ойлик жами тўлов 28600,0 сўм миқдорида белгиланган.

<i>Ижара тўлови, сақлаш (эксплуатация) ва коммунал тўловларнинг жадвал шакли</i>							
№	Номлашти	Ижара майдони (кв.м)	1 кв.м учун бир ойлик ижара тўлови миқдори (сўмда)	Бир ойлик ижара тўлови миқдори (сўмда)	Йиллик ижара тўлови миқдори (сўмда)	ҚҚС (0%)	Жами (сўмда)
1.	Ижара тўлови	14,70	22000,0	323400	3880800	ҚҚС сиз	3880800
2.	Коммунал ва сақлаш (эксплуатация) харажатлари учун тўлов		6600,0	97020	1164240	ҚҚС сиз	1164240
Умумийси:		14,70	28600,0	420420	5045040		5045040

Шартноманинг умумий пули: 5 045 040 (Беш миллион қирқ беш минг қирқ) сўмни ташкил этади.

2. Ижарага бериш муддати 2022 йил 1 январдан бошланади ва 2022 йил 31 декабрь кунига тугайди.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3. Ижарага берувчи куйидагиларга мажбур:

ижарага олувчига ижара майдонини топшириш далолатномаси асосида ушбу шартнома кучга кирган санадан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмай бериш. Далолатнома Ижарага берувчи ва Ижарага олувчи томонидан имзоланади;

ижарага олувчининг айбисиз содир бўлган фавкулот(авария ва бошқа ҳ.к.)да ҳолатларда ижарага олувчининг технологик жараёнини тўхтатмаган ҳолда, ўз ҳисобидан ва қисқа муддатларда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш;

ижара майдонини келгусида бўшатиш тўғрисида, шу жумладан ушбу шартнома амал қилишининг муддатидан олдин тугатилиши муносабати билан, ижарага олувчига икки ой олдин ёзма равишда хабар бериш.

4. Ижарага олувчи куйидагиларга мажбур:

ижарага олинган ижара майдонида санитария, ёнгин хавфсизлиги ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган эксплуатацияга оид бошқа мажбурий талабларга риоя қилиш;

ижарага олувчи ижарага берувчининг ёзма розилигисиз 1,5 квт/с ва ундан юкори кучланишдаги электр жихозларни ўрнатмаслик;

ижарага берувчининг ёзма рухсатисиз ижара майдонида ҳеч қандай қайта куриш (реконструкция)ларни амалга оширмаслик;

ижарага олувчи ижарага олинган хоналарни ўз маблаглари ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш;

ижарага олувчига ушбу шартнома бўйича берилган мулккий ҳуқуқларни огирлаштирадиган ёки огирлаштириши мумкин бўлган шартномаларни тузмаслик ва битимларга киришмаслик, шу жумладан уларнинг ижарага берувчининг ёзма рухсатисиз бошқа шахсга ўтказмаслик (ижара майдонини гаровга қўйиш, иккиламчи ижарага бериш, ижара майдони ижара ҳуқуқини ёки унинг бир қисмини юридик шахснинг устав капиталига киритиш ва бошқалар);

ушбу шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, шунингдек ўз ташаббусига кўра уни муддатидан олдин бекор қилганида ижарага олинган ижара майдонида амалга оширилган барча қайта куриш (реконструкция)ларни ва қайта ишлашларни, шунингдек ижара майдонига тегишли бўлган ва конструкцияга зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлмаган яхшилашларни ижарага берувчига текин бериш;

ижарага олувчининг айби билан ички иссиқлик, энергия ва бошқа тармоқларда фавкулот(авария ва бошқа ҳ.к.)да ҳолатларюз берганда ўз ҳисобидан уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш.

III. ИЖАРА ҲАҚИ ШАРТЛАРИ ВА МИҚДОРИ, УНИ ТЎЛАШ МУДДАТЛАРИ

5. Ижарага олувчи ушбу шартноманинг 1-бандида кўрсатилган жойни ижарага берувчига қуйидагиларни тўлаш шартларида ижарага олади:

а) ижара тўлови;

б) сақлаш (эксплуатация) харажатлари бўйича тўлов;

в) коммунал хизматлари бўйича тўлов.

6. Коммунал тўлов харажатлари миқдори ҳар ойлик ўзгарувчан шаклда амалдаги тарифлари бўйича ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари ва ташкилот ҳисобварақлари (счёт-фактура) бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, ижарага берилаётган объектлар бўйича алоҳида ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган ҳолатларда, бинога умумий сарфланган коммунал хизмат харажатларини бинонинг умумий майдонига тақсимлаб, ҳар бир квадрат метр учун сарфланган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб, коммунал хизматлари учун харажатларни қоплаш бўйича тўлов миқдори белгиланади.

Шунингдек, ижарага берилаётган объектлар бўйича алоҳида ҳисобга олиш асбоблари мавжуд бўлмаган ҳолатларда ижарага олувчининг хохишига кўра, коммунал хизмат ташкилотлари мутахассисларини жалб қилган ҳолда, улар томонидан тақдим этилган тартиб ва мезонлар асосида амалга оширилади.

7. Ижара тўлови миқдори тўғрисидаги ҳисоб варақа(счёт-фактура) ижарага олувчига ҳар ойнинг 5 санасига қадар тақдим этилади.

8. Ижарага олувчи ижара тўловини ушбу шартнома кучга кирган даврдан бошлаб кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмай ижарага берувчининг ҳисоб рақамига ўтказди.

IV. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА УНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ ШАРТЛАРИ

9. Ижара шартномаси қуйидаги ҳолатда муддатидан олдин бекор қилинади:

а) суднинг қарорига биноан;

б) томонларнинг ўзаро келишувига кўра;

в) томонларнинг шартнома шартларини бажармаган ҳолатда.

10. Ушбу шартномага киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришлар томонлар иштирокида бир ойлик муддатда кўриб чиқилади ва қўшимча келишувлар билан расмийлаштирилади.

11. Ижарага олувчи ўтган ой учун ижара тўловини 30 кун муддат ичида тўламаган тақдирда ижарага берувчи шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

Бу ҳолда ижарага берувчи ижарага олувчига шартномани бекор қилиш тўғрисида 5 (беш) иш куни ичида ёзма равишда хабарнома юборади.

12. Ижарага олувчи ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарган тақдирда ушбу шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧЛАР (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

13. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга бевосита таъсир қиладиган енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари туфайли ўз мажбуриятларини бажара олмаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

Бундай ҳолатларда, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларимал қилиш даврига сурилади ёки ушбу шартноманинг 9-банди б)-қисми талабларига риоя қилинади.

14. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган томоненгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларининг бошланиши ва тугаши ҳақида зудлик билан, бироқ ҳар қандай ҳолда улар бошланганидан сўнг 5(беш) иш кунидан кечиктирмай бошқа томонни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

15. Ижарага берувчи томонидан ҳисобварақа(счет-фактура) ўз вақтида тақдим этилган ҳолда, ушбу шартномада белгиланган ҳар қандай тўловларни тўлаш муддатлари бузилган тақдирда,ижарага олувчи тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун кечиктирилган сумманинг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов умумий суммасининг 50 (эллик) фозидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

16. Ушбу шартномада белгиланган пеняни тўлаш ижарага олувчини ўзига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

17. Мазкур шартнома шартлари юзасидан келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ҳал этилади.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18. Томонлар ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келадиган низоларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар. Низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаганда, томонлар белгиланган тартибда судга мурожаат қилади.

Томонларнинг бир-бирларига юборган талабномаларини кўриб чиқиш муддати 5 (беш) иш куни этиб белгиланади.

19. Мазкур шартноманинг бирон-бир шarti шартномани амал қилиши муддати даврида ҳақиқий эмас деб топилса, шартноманинг бошқа шартларини бажарилишига тўсқинлик қилмайди.

20. Томонларнинг юридик манзили, телефон рақамлари ва банк маълумотлари ўзгарган тақдирда маълумотлар ўзгарган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни ичида хабардор қилишлари шарт.

21. Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилган, томонларнинг ваколатли вакиллари имзолаган тақдирда ҳақиқийдир.

Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада давлат тилида тузилади ҳамда томонларга 1 нусхадан, партия Марказий Кенгашига 1 нусхада тақдим этилади.

22. Ушбу шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, БОШҚА РЕКВИЗИТЛАРИ


Ижарага берувчи

Манзил: Қарши ш. Мустақиллик к. - 2 үй
х/р: 20212000500193984001
Банк: СҚБ Қашқадарё мнптақавий фил.
МФО: 00854
ИНН: 202115394 ОКЕД: 98100
Тел: (75) 22-11-701
Раис: О. П. Равшанов


М.У.
(сана, имзо, муҳр)

Ижарага олувчи

Манзил: «QASHQADARYO SUV TA'MINOTI» MCHJ
х/р: QARSHI SHAHRI, XONOBOB KO'CHASI, 1-UY
Банк: ATIB «IPOTEKA» BANKI
МФО: QASHQADARYO FILIALI
ИНН: H/R: 20208000504201550001
ОКЕД: M/MFO: 00190, STIR: 204737079
Тел: 39000 75 224-20-02
Раҳбар: _____


М.У.
(сана, имзо, муҳр)

Ижарага олувчи томонидан шартнома асосида эгаллаб турилган майдон (Хона) учун ижара тўлови ва сақлаш (эксплуатация) хизматлари ҳақиқий харажатларининг қоплашнинг бўйича

ҲИСОБ-КИТОБ

сўмда

I. Ижара майдонини учун ижара тўлови

Эгаллаб турилган майдон (қв.м.)	14,70
1 кв.м. майдон учун ойлик тўлов	22000,0
Жами 14,70 кв.м. майдон учун бир ойлик ижара тўлови миқдори	323400
Жами 14,70 кв.м. майдон учун йиллик ижара тўлови миқдори	3880800

II. Ижара майдонини учун сақлаш (эксплуатация) харажатлари

Харажатлар номи	Суммаси	Умумий суммаси
Бинонинг жорий таъмирлаш харажатлари		1164240
Бино ишчилари (фаррош, слесарь-сантехник, электрик, режим бўйича навбатчи, комендант) иш хақи фонди ва моддий ёрдам харажатлари	889923	
12% ижтимоий тўлов харажатлари	106796	
Бинонинг эскириш харажатлари		
Лифт хизмати харажатлари		
Электр энергия харажати	167521	
Ер солиғи		
Бинони хоналарини сақлаб туриш (тозалаш, электр ва сантехника товарлари учун) харажатлари		

III. Ижара майдони учун жами харажатлар

Харажатлар номи	Умумий суммаси
Эгаллаб турилган майдон учун бир ойлик ижара тўлови	323400
Коммунал ва сақлаш (эксплуатация) харажатлари (бир ойлик)	97020

Жами тўлаб бериладиган бир ойлик тўловларнинг умумий миқдори **420 420 (Тўрт юз йигирма минг тўрт юз йигирма) сўм.**



Ўзбекистон ХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши раиси

ИМЗО Н. Равшанов
ФИШ

“Қашқадарё сув таъминоти” МЧЖ
директори

ИМЗО _____
ФИШ

Масъуллар:
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши бош бухгалтери


Ш. Ахмедов

З. Очиллов

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши Ишлар бошқарувчиси

ДАЛОЛАТНОМА

(Нотурар бино-иншоотни тошириши ва қабул қилиши тўғрисида)

Қорашина шаҳарчаси

2022 йил «5» январь

Биз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши (кейинги ўринларда – «Ижарага берувчи») томондан, «Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖ (кейинги ўринларда – «Ижарага олувчи»)га Деҳқонобод т-н Қорашина шаҳарчаси Улуғбек кўча 1-уйда жойлашган маъмурий бинодан фойдали майдони 14,70 кв.м. бўлган 1 та хона 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача топширилди.

Ижарага олинган майдон сув таъминоти (совуқ сув), канализация ва иссиқлик тармоғи (маҳаллий иситиш тизими), электр тизими, телефон алоқаси билан таъминланган.

Ижарага берилган хона ва майдонларнинг ҳолати қониқарли ҳамда техник ҳолати (электр тизими) соз ҳолатда ижарага олувчига топширилди.

Ижарага олувчига топширилган ижара майдони бўйича эътирозлар йўқлиги тўғрисида маълум қилинади.

Далолатнома икки нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан тақдим этилди.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши Ишлар
бошқарувчиси



З. Очилов
Ф.И.Ш.

«Қашқадарё сув таъминоти» МЧЖ



Ф.И.Ш.